



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 12 (13.345)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



О.ГУЛОМОВ (УЗА) олган сурат

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁДАН СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ

Мамлакатимиздаги 132 фармацевтика корхонаси томонидан бугунги кунда 2 минг турдан ортиқ дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 31 октябрдаги "Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар қўламини кенгайтиришда муҳим омили бўлаётди.

Мазкур ҳужжатда маҳаллий хомашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш хосибидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, аҳолига сифатли ва арзон дори-дармон воситаларини етказиб беришга доир муҳим йўналишлар белгиланган. Қарорда қўзда тутилган устувор вазифалар ижросини таъминлашда Тошкент фармацевтика институти томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилади.

Мамлакатимизда фармацевтика соҳасида олиб борилган илмий изланишлар, соҳа мутахассисларининг туپланган бой тажрибаси самарасида юртимизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар соғлиқни сақлаш тизими амалиётига кенг жорий этилмоқда, — дейди УЗА муҳбирига Тошкент фармацевтика институти сектор мудири Нодира Фармонова. — Институтимизда дорилар технологияси ва фармацевтика иштини ташкил қилиш, фармацевтик кимё ва фармакогнозия, фармакология ва клиник фармакология ихтисосликлари бўйича олиб бораётган илмий ва амалиёт ҳамоҳанглиги алоҳида эътибор қаратилмоқда. Талабаларнинг амалиёт ўташи учун корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари корхоналар билан ўзаро тузилган шартномалар асосида дори воситаларини стандартлаш устида иш олиб боради. Бундан ташқари, институт қатор илмий-тадқиқот марказлари, етакчи олий таълим муассасалари ва маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқарувчилари билан илмий-техникавий ҳамкорлик қилмоқда.

Утган йили институт олимлари юртимизда етиштириладиган тиканил артишок хомашёси асосида гепатопротектор ва ўт ҳайдовчи таъсирга эга бўлган фитосида — аллтромбосепин янги дори препаратини яратиш технологиясини ишлаб чиқди. Бундан ташқари, институтда маҳаллий хомашёлардан ялғиланишга, аллергияга, диабетга қарши ва регенератив хусусиятга эга аппликацион фитодерматологик дори турлари, антитромбоген юмшоқ дори шакллари, гериятрия амалиётида қўлланладиган гипополидемик восита — пиррацин дори шаклини ишлаб чиқиш ва стандартлаш каби лойиҳалар амалга оширилди.

IX Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасида институт ходимлари тозаланган олтингургут капсуллари, қаттиқ сочилиувчан наноўлчамли йоднинг в-циклодекстрили комплекси олиш технологиясини, "Кобальт-30" таблетка препаратининг янги дори шакли, "Стифлос" пешоб ҳайдовчи йиғмани, ялғиланиш ва гижжа инвазиясига қарши "Мэрилин" дори воситасини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётида жорий этиш каби қатор илмий ишланмалар билан иштирок этди. Ярмаркада фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан 535 миллион 500 минг сўмлик шартномалар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелдаги "Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги баёнида қўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили институт олимлари томонидан яратилган ва тиббиётда қўллаш учун рўхсат олинган 65 препаратнинг метрий-техник ҳужжатлари ишлаб чиқариш учун "Ўзфарма-санот" акциядорлик концернига берилди.

Мазкур олий таълим муассасаси илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш бўйича Буюк Британия, Польша, Жанубий Корея, Хиндистон, Россия, Қозғоистон, Қирғизистон, Украина каби давлатларнинг бир қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган, юқори самардорликка эга, импорт ўрнини босувчи дори воситалари технологияларини яратиш борасида ёш олимлар ҳам қўллаб-қўллаган эришмоқда. Аваз Шарипов ана шундай изланувчан ёш олимлардан. Унинг таъкидлашича, юрак-қон томир тизими хасталиқларида антикоагулянт ва антиагрегант дори воситалари жуда зарур. Ушбу хасталиқларни даволашда қўлланладиган қўллаб дори воситалари хориждан келтирилади. Ёш олимнинг илмий ишида ана шундай препаратларнинг ўрнини босувчи, ошпаёндан янги, юқори самарали аллтромбосепин дори воситаси ишлаб чиқишнинг илмий ва техникавий жиҳатлари очиб берилган. Ҳозирги вақтда ёш олим маҳаллий хомашёларни қўллаб, антитромбоген юмшоқ дори шаклларидаги технологиясини ишлаб чиқиш устида изланмоқда.

Мамлакатимизда фармацевтика соҳасида олиб бораётган бу каби саъй-ҳаракатлар халқимизни сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Гўзал САТТОВА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, ҳудудларда замонавий санот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказилган семинарда бу алоҳида қайд этилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, олимлар, экспертлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Парламент қўйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов ва бошқалар Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардорлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги "Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги ислохотларни чуқурлаштиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Унга биноан жаҳон стандартларига мос, ташқи бозорларда рақобатбардор ва харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий, илгор ва юқори унумли технологияларни ташкил этиш ва жорий қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қўлай шарт-шароитлар яратиш, ушбу ҳудудларнинг санот салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Фармон асосида эркин иқтисодий зоналарнинг муайян соҳага ихтисослашувини қўллаб-қувватлаш ва уларда санот кооперациясини ривожлантириш, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш мўлжалланмоқда.

"Ангрэн" ва "Жиззах" эркин иқтисодий зоналари иштирокчилари фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи буюмлар учун боғжона тўловларидан (боғжона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) овоз этилиши, зоналар доирасида иштирокчилар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ хорижий валютда ҳисоб-китоб қилиниши ва тўлалиши белгиланмоқда.

Семинарда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламига етказиш, тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўртасида фаол тарғиб қилиш, қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросининг таъсирчан мониторингини йўлга қўйишга доир фикрлар билдирилди.

Беҳзод БОЗОРОВ,
УЗА мухбири

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи голибларини тақдирлашга бағишланган маросим ўтказилди. Танловда "Энг маҳоратли профилактика инспектори", "Ёш авлод химоячиси", "Фидойи маҳалла посбони", "Маърифатпарвар маслаҳатчи" каби номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди. Тадбир доирасида ёш тадбиркор ва хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси, спортчи ёшларнинг кўргазмаси чикишлари намойиш этилди.

● Бухорода "Бизнинг ўз касбимиз ва хунаримиз бор. Касб-коримиз билан юрт таракқиётига хизмат қиламиз!" шиори остида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Бухоро вилояти ҳокимлиги, прокуратура ва вилоят меҳнат бош бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада 360 корхона, ташкилот ва муассаса 3 минг 349 бўш иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркада 318 иштирокчига ишга йўлланма берилди. 501 фуқаро меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий маслаҳат олди.

● Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Навоий вилояти кенгаши томонидан "Дастурий вазифаларни таъминлашда партия фаолларининг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди.

● Жиззах вилоятида "Prima Lyuks fayz teks" масъулияти чекланган жамияти томонидан лойиҳа қиймати 450 миллион сўмлик блок гишт ва манзарали гишт ишлаб чиқариш бўйича янги корхона ташкил этилди.

● Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги "Уммон қудрати" хусусий корхонасига бўш турган бинонинг берилиши унинг ишлаб чиқариш фаолияти кенгайтиришга асос бўлди. Жумладан, 155 миллион сўмлик инвестиция киритиш шарти билан олинган ушбу иншоотда йўлак қопламалари ҳамда блок гишт тайёрлаш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Франциянинг Турувр шаҳрида дунёдаги биринчи куёш батареяли автойўл очилди. Ҳозирча транссанинг биринчи километри фойдаланишга топширилган бўлиб, йўлнинг ушбу қисмида 28 квадрат километр ҳажмда куёш батареялари ўрнатилган. Таъкидлаш жоизки, ушбу куёш батареяли йўл 5 минг аҳолига эга шаҳарни ёритишга етадиган электр энергиясини ишлаб чиқаради.

● Хитойнинг мобил телефон ишлаб чиқарувчи компанияси маҳсулотнинг асл ва сохталарини аниқлайдиган смартфон ишлаб чиқара бошлади. "Changhong H2" деб номланган смартфон асл дорилар, қимматбаҳо тақинчоқ ва бошқа буюмларни таркибига кўра сохталаридан фарқлаш хусусиятига эга. Уни ҳатто дўконлардаги қадокланган маҳсулотлар таркибини ўрганиш учун ҳам қўллаш мумкин. Ишлаб чиқарувчилар нитратсид мевалар харид қилиш учун смартфондан фойдаланишни тавсия қилмоқдалар. Бундан ташқари, қурилма ёрдамида организмдаги ёғ миқдорини ҳам аниқлаш имконияти мавжуд.

● Олимлар Аргентинада 52 миллион ёшга эга, физиластлар туркумига кирувчи илдизмевани топишди ва у замонавий картошка ва помидорнинг эволюция жараёнини аниқлаш учун имконияти ятади. Шу тарика бундай меваларнинг ёши илгари кўзда тутилгандан сезиларли даражада катта эканлиги яна бир бор ўз исботини топди.

БОЛАГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори катта қизиқиш билан ўрганилмоқда

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, одобли, билимдон ва ақли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Муस्ताқиллик йилларида тубдан ислоҳ қилинган таълим тизимининг илк бўғини бўлган мактабгача таълим масканларида минглаб ўғил-қизлар тарбияланмоқда.

Мамлакатимиздаги мавжуд беш мингдан зиёд мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, зарур техник жиҳозлар, ўқув-услубий воситалар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмаётди. У ерда тарбияланган 670 минг боланинг ҳар бирига замонавий кўрсаткич, овқатланиш, маҳаллий таълим тарбия олиши, ёшига мос билимларни эгаллаши доимо назоратда. Сўнги икки йилда 459 мактабгача таълим муассасаси мукамал таъмирланиб, замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Тахлилларга кўра, айрим рақам ва кўрсаткичлар тизимда бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, бугунги кунда шаҳарларда жойлашган 2282 мактабгача таълим муассасасида 400 минг бола тарбияланмоқда. Бу бино қувватига нисбатан 10,5 фоизга кўпдир.

Биргина пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 107-мактабгача таълим муассасаси 130 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳозир бу ерда 172 бола тарбияланмоқда. Боланинг қўлиги ноқулайликларни келтириб чиқаради, таълим жараёнининг кўнгилдагидек ўтишига тўсқинлик қилади.

Аксарият мактабгача таълим муассасаларида моддий-техник базанинг замон талабига жавоб бермаслиги, педагог кадрларнинг етишмаслиги сингари қўллаб қамчилар мавжуд. Таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларга қўйилган давлат талабларини такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори мактабгача таълим тизими моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, фарзандларимизни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар

яратиш каби долзарб масалаларни ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қарорга кўра, мактабгача таълим тизими янада такомиллаштирилиб, қўллаб янги муассасалар қурилади, мавжудлар реконструкция қилинади ва мукамал таъмирланади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича ташкил қилинадиган қисқа муддатли гуруҳларда ўғил-қизлар керакли билимларни эгаллайди. Сифат ва самарадорлигини таъминлаш натижасида таълимнинг кейинги босқичларида юқори натижаларга эришилади.

Қарорга кўра, 2200 мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш белгиланган. Жумладан, қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган жиҳозлар, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедияли воситалар билан таъминлаш назарда тутилган.

Тизимдаги таълим-тарбия жараёнининг янги босқичга кўтарилиши соҳа ходимлари, ота-оналарни қувонтирмоқда.

— Мамлакатимизда болажонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар билан мақтанса арзғулик, — дейди УЗА мухбирига Олмазор туманидаги 107-мак-

табгача таълим муассасаси мудираси Шаҳноза Толипова. — Уларга қанот бағишловчи турли хил спорт мусобақалари, кўрик-танловларнинг анъанавий тарзда ўтказиб келинаётганида ҳикмат кўп. Юртимиз ёшлари орасида истеъдоди билан дунёни лол қолдириб келаётганлар талайгина. Бу, албатта, яратилган шарт-шароит ва ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор самараси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ана шундай интеллектуал, баркамол авлоднинг тарбиялашга хизмат қилади.

Ота-оналарнинг таълим жараёни илгор хорижий тажрибаларга асосланган, тарбия сифати янги босқичга кўтарилган, замонавий қиёфа касб этган мактабгача таълим муассасаларига қизиқиши ортиси шубҳасиз. Қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловининг 30 фоизгача камайтирилиши болаларнинг мактабгача таълимга қамровини қескин оширади.

— Президентимиз қарорини диққат билан ўқиб чиқдим, — дейди пенсионер Ойбуви Санаева. — Набираларимнинг янада замонавий, шинам, ҳамма қўлайликлари мавжуд боғчаларга боришини, малакали кадрлар қўлида таълим-тарбия олишини тасаввур қилиб кўнглим осмонга етди. Уларнинг бахтли болалигини кўриш, шу кунларга етказганига шукроналар айтаман.

Замонавий мактабгача таълим муассасаларида тарбияланган, таълим олган бола қалбига экилган яхшилик уруғи, албатта, ўз мевасини беради. Кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида улар Ватанга, ота-онасига, яқинларига садоқатли, меҳрли бўлиб улғаяди.

Моҳигул ҚОСИМОВА

Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!



ЎзА олган сурат

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

Юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилмоқ, билдирилган ишончини оқламоқ муқаддас бурч эканлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан тадбир ташкил этилди. Тадбирда сўз олган Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби бошлиғи, генерал-майор А.Қўлдошев ва бошқалар Ватанимизнинг муқаддас саноҳиятини юксалтириш, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаёт кечирishiни таъминлаш ва жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омилли бўлаётганини таъкидлаб ўтишди.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда бир гуруҳ ходимларга мукофотлар топширилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшнлиги ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари иштирокидаги дилтортар куй ва кўшиқлар янгради.

“Тошкент иссиқлик маркази” ДУКда “Армия – мустақиллигимиз ва эркинлигимиз кафолатидир” мавзусида соҳа вакиллари иштирокида тадбир ўтказилди.

Тадбир Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек миллий академик драма театри, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўз олган “Тошкент иссиқлик маркази” ДУК директори А.Киришченков, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари М.Эронов, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Нодир Жонузов, Ўзбек миллий академик драма театри актриси М.Абдуқундузов ва бошқалар мустақиллик йилларида муқаддас соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани, замон талабларига жавоб берадиган, яхши қуролланган ва техник жиҳозланган, юксак жанговар тайёргарликка эга миллий армиямиз шаклланганини алоҳида таъкидлашди.

Сергеи тиббиёт коллежида ўтган тадбир “Ватан ҳимояси муқаддас бурч” деб номланди.

Ватан – бу инсонга ато этилган энг улғуф неъмат, аждодларимиз руҳи кезиб юрган табаррук гўша! Ватан унга бўлган муҳаббатдан юксалади, ардоқланади. Ватан асл ватанпарварлар кўксига жон қадар эъзоз ва ҳимоя топади. Дунёда шарафли вазибалар жуда кўп, аммо улар ичида киндик қонинг томанг Ватанимизни ҳимоя қилиш шарафлилар киндик шарафлисидир.

Тадбирда “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асослари” ва “Миллий армия – миллий гуруримиз” мавзуларида маърузалар тингланди. Ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

“Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология марказида ўқувчиларда ватанпарварлик, бурчга садоқат, ҳушёрлик ва огоҳлик туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни Қуролли Кучлар, мамлакат муқаддас саноҳиятини кучайтириш ва ҳарбий хизматнинг нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти билан чуқурроқ таништириш мақсадида “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!” шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир давомида марказ тўғрарак аъзолари томонидан она Ватан, тинчлик, юртни мадҳ этувчи, Ватан ҳимоячиларига бағишланган шеърлар ўқилди. Моҳир кўллар тўғрарак аъзолари ижросидаги миллий рақслар тадбирга кўтаринки кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент Бирлашган техника мактабида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти Кенгаши томонидан “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!” шиори остида тадбир ташкил этилди.

ЮРТНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ

Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 25 йиллигига бағишланган катта байрам тадбирида “Ватанпарвар” ташкилоти фахрийлари, шаҳар муқаддас ишлари бошқармаси, “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, ташкилотнинг шаҳар Кенгаши вакиллари, туман ташкилотлари раҳбарлари, маънавият, ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи ва ташкилий оммавий ишлар бўйича ўринбосарлари, ТБТМ курсантлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Юртимиз иқболи ва тинчлигини дилларига жо этган ҳарбийларимиз борки кўнглимиз тинч, осмонимиз мусаффо, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи Тошкент шаҳар “Ватанпарвар” ташкилоти Кенгаши раиси Аҳрор Мақсудов. — Шу шарафли вазифани адо этишда халқимизнинг минглаб мард ўғлонлари Ватан хизматига бел боғлаб, кунни кун, тунни тун демасдан садоқат билан хизмат қилмоқдалар. Мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар яратиш, ёшларни баркамол шахслар этиб шакллантириш борасида “Ватанпарвар” ташкилоти ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари муқаддас кудратини мустаҳкамлаш-

га кўмаклашиш мақсадида фаолият олиб бораётган “Ватанпарвар” ташкилоти республикамиз ижтимоий-иқтисодий тизимида ўз ўрнига эга. Ташкилот фаолияти оммавий ватанпарварлик ишларини амалга ошириш, Қуролли Кучлар учун ҳарбий техник ҳамда халқ хўжалигига оммавий касб мутахассислар етказиб бериш, кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга қаратилгандир.

Байрам муносабати билан “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг намунали ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган курсантларига ташкилотнинг фахрий ёрликлари топширилди. Шунингдек, ҳамкор ташкилот вакиллари ҳамда йил давомида ташкилот тадбирларини ёритишда муносиб ҳисса қўшган оммавий ахборот воситалари ходимлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича кўргазмалар ташкил этилди. Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилиб, она Ватанини улуғловчи куй-кўшиқлар ижро этилди.

(Ўз мухбиримиз)

МИЛЛИЙ АРМИЯМ – ФАХРИМ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 25 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ўзбекистон – мустақил Ватанимиз, миллий армиямиз фахру гуруримиз!” шиори остида байрам тадбирлари, учрашувлар ва видеомулоқотлар бўлиб ўтди.

Республика иқтисодлаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида Чилонзор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан уюштирилган “Аскар оналарни шарафлаймиз” мавзусидаги маданий-маърифий тадбир ҳам байрам муносабати билан ўтказилди.

Тадбирда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, тумандаги ҳарбий қисмлардан ташир буюрган аскарлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Чилонзор туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Абдурахимова, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари А.Обидов, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Шермухамедова ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилган ислохотлар юксак самаралар бераётганини, бугунги кунда ҳарбий хизмат қилиш нафақат муқаддас бурчга, балки юртимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталиги кафолатига айланганини таъкидлади.

Тадбир доирасида ўз йигитлик бурчини намунали ўтаётган аскарлардан оналарига Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан совғалар топширилди.

Таниқли санъаткорлар иштирокидаги она Ватани, тинчлик, мардлик ва жасурликни тараннм этувчи куй-кўшиқлар, шоира Адиба Умарова томонидан ўқилган шеърлар байрам иштирокчиларига бирдай манзур бўлди.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида “Мардлар кўриқлайди Ватани” мавзусидаги тадбир ҳам Юнусобод туман ҳокимлиги томонидан Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланди.

Тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ёзувчи, шоирлар, ҳарбий қисм курсантлари, аскарлар иштирок этди.

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.Азизов ва бошқалар мамлакатимизда юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазибаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланиши таъкидлаб ўтдилар. Бу мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, осуда ҳаётимиз йўлида узокни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасидир.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, фуқаролар осойишталигини сақлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилди. Бу жараёнда ички ишлар идоралари ходимлари ҳам самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Утган йиллар мобайнида тезкор-қидирув хизмати ва тергов бўлинмалари мустаҳкамланди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги, пост-патруль, профилактика хизматлари, ёнгин хавфсизлиги тизими замон талабидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли ҳамда фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорлиги янада мустаҳкамланди. Профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида олиб бораётган тарғибот-тушунтириш ишлари, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига доимий эътибор қаратилаётгани шаҳар ва қишлоқларимизда ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тизимда моддий-техник базанинг мустаҳкамланаётгани ҳамда юксак малакали, профессионал кадрларни тайёрлаш

Ташкилотнинг фаолияти оммавий ватанпарварлик ишларини амалга ошириш, Қуролли Кучлар учун ҳарбий техник ҳамда халқ хўжалигига оммавий касб мутахассислар етказиб бериш, кенг халқ оммаси, айниқса, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришга қаратилгандир.

Байрам муносабати билан “Ватанпарвар” ташкилоти Тошкент бирлашган техника мактабининг намунали ҳамда юқори кўрсаткичларга эришган курсантларига ташкилотнинг фахрий ёрликлари топширилди. Шунингдек, ҳамкор ташкилот вакиллари ҳамда йил давомида ташкилот тадбирларини ёритишда муносиб ҳисса қўшган оммавий ахборот воситалари ходимлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир доирасида спортнинг техник ва амалий турлари бўйича кўргазмалар ташкил этилди. Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилиб, она Ватанини улуғловчи куй-кўшиқлар ижро этилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Учтепа тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2017 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўлаими, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан “ишсиз” деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда Бандликка кўмаклашиш марказининг 2017 йил 5 январдаги 799-сон хати билан берилган тақлифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1. Учтепа туманида 2017 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.
2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш корхона, ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин; жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳаракатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қаршали корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш бевуқчалар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин; туман Бандликка кўмаклашиш йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.
3. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (О.Аллабергенов): корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.
4. Туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Б.Ибрагимов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Компьютерлаштириш маркази” ДУКнинг Учтепа туман тармоқ администратори; Мазкур қарор “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.uchtepa.poytaxt.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.
5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қуча қиради.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Гиясов зиммасига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими Ж.Инагамов

2017 йил 13 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСНИ ТЎЛДИРИШДА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса юридик ва жисмоний шахслар учун кўплаб қулайликлар, имкониятлар ва энгилликларни тақдим этаётир.

Мисол учун, солиқ, статистика каби ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш, аэропорт ёки вокзалга бормасдан зарурий маълумотларни олиш, чипталарни харид қилиш, шунингдек, турли махсулот ва хизматларга буюртма бериш каби имкониятлар мавжуд.

Давлат божхона кўмитаси томонидан ҳам божхона чегаралари орқали ҳаракатланадиган жисмоний шахслар учун ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда божхона декларацияларини тўлдирish билан боғлиқ бир қатор энгилликлар яратилмоқда. Хабарингиз бўлса 2013 йилда кўмита веб-сайти орқали йўловчи божхона декларацияларини тўлдирish ва чоп этиш хизмати жорий қилинган эди.

Яъни, жисмоний шахслар декларацияни кўмита веб-сайтидан кўчириб олишлари, унга тегишли маълумотларни электрон тарзда киритишлари мумкин бўлиб, маълумотлар киритиш бўлинигча, декларациянинг тўғри тўлдирилганлигини текшириш имконияти ҳам мавжуд эди. Декларация тўлдирish бўлинган икки нусxada чоп этилиб, божхона постида тақдим этиш йўлга қўйилганди.

Давлат божхона кўмитаси ахборот коммуникация маълумотларига кўра эндиликда жисмоний шахслар ушбу хизматнинг янада такомиллашган шаклидан, яъни ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам фойдаланишлари мумкин.

Кўмита веб-сайтидан фаркли ўлароқ, порталда тўлдирилган йўловчи божхона декларациясини идентификацион код билан биргалликда онлайн режимида олишлари ва А5 форматда чоп этиб, божхона постида тақдим этишлари мумкин.

Мазкур хизматдан фойдаланиш жисмоний шахсларга йўловчи божхона декларациясини ўзларига қулай бўлган вақтда ва божхона постидан ташқарида исталган жойда тўлдирish имконияти беради. Йўловчи божхона декларациясини электрон шаклда тўлдирish вақтида йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўша вақтининг ўзида тузатиш имконияти мавжуд.

Бу эса жисмоний шахсларга божхона постларидаги баённомаларни тўлдирish учун навбат кутish, ўзлари танлаган тилдаги бланкларни излаш каби муаммоларга дуч келмаслиги ҳамда уларнинг вақтини тежашда катта ёрдам беради.

Абдували СОДИКОВ

Республика Байналмилал маданият маркази ташкил топганига чорак аср бўлди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Шу азиз Ватан — барчамизники

Ўз куч-қудратига ишонган, миллий қадриятлари ва умуминсоний маънавиятни муштарак ҳисоблаб, ўзига лойиқ билгани ўзгаларга ҳам раво кўрадиган буюк қалбга эга миллатнинг бағри кенг бўлади. Шу маънода бугун Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил, иноқ ва тотув оила бўлиб яшаётгани, ягона мақсад — мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалиши йўлида ҳамжиҳат меҳнат қилаётгани ҳақли равишда ҳавасга лойиқдир.



Ватанимиз мустақилликни кўлга кiritгач, 1992 йил 13 январда Марказий Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонда Республика байналмилал маданият маркази тузилди. Уша йили қабул қилинган Асосий қонунимизда "Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этиши" белгилаб қўйилди. Конституция-мига кўра, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилиниши таъминланмоқда, уларнинг ривожланиши учун барча шароит яратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев турли миллат вакиллари билан иборат халқимиз билан мулоқот қилиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, муаммоларига ечим топиш борасида янги ислохотлар даврини бошлаб берди. Давлатимиз раҳбари 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқида "мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустақамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман", деб таъкидлагани бу

эъозлайди, чунки икки халқнинг маданияти, менталитети ўхшаш — ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, каттага ҳурмат, кичикка иззат, сабр-матонат каби фазилатлар уларга бирдек хос, — дейди Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Виктор Пак. — Корейслар орасида Ватанимизнинг юксак давлат мукофотларига сазовор бўлганлар анчагина. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар ҳам бор. Кейинги вақтларда корейс ёшлари

яққол исботидир, — дейди Тошкент шаҳар хитой миллий маданият маркази раиси Янь Яюэн. — Тошкентда Хитой маданияти кунлари тадбирлари (концертлар, кўргазмалар, таомлар фестивали) ўтказилмоқда, маданият, фан, таълим, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир. Марказимиз қошида хитой тили ўргатилмоқда, рақс тўрагимизда турли миллат ёшлари ўзбек ва хитой рақсларидан сабоқ олаётир. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда миллатларо аҳиллик муҳити барқарор эканидан далолатдир.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК, ТОТУВЛИК ВА БАХТ МАМЛАКАТИ

Бугун мамлакатимизда миллатларо аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳити барқарорлигига мустаҳкам қафолат мавжуд, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Дейлик, 1992 йили Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг 10 миллий маданият маркази фаолият юритган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 137 тага етди. Улар билан ҳамкорликда 2016 йилда 700 дан ортиқ илмий-амалий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказдик. Олтинчи бор ташкил қилинган "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори остидаги дўстлик ва маданият фестивалида 40 мингдан ортиқ турли миллат вакиллари фаол иштирок этди.

нинг ёрқин ҳаётини исботидир. Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги миллатларо тотувлик ва аҳиллик — халқимизнинг катта бойлиги, барқарор ҳаётимиз асосидир. Деярли барчамиз турли миллат вакиллари билан кўни-кўшини бўлиб яшаймиз. Улар бизга қўшилиб нахорига оша боради, биз ҳам уларнинг яхшиёмон куниде елкадош тураемиз. Халқаро спорт мусобақалари ё санъат фестиваларида турли миллат вакиллари билан иборат спортчи ва санъаткорларимизни ягона мақсад билан чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз. Чунки улар оиламиз, Ватанимиз шаъни учун майдонга тушган.

Мамлакатимизда Наврўз, Мустақиллик ё бошқа байрам тантаналарини барча миллат вакиллари бир оила бўлиб нишонлайди. — Бугун мамлакатимизда истиқомат қилаётган ақсарит корейсларнинг кинди қони шу муқаддас заминга томган, улар Ўзбекистонни ўз Ватани сифатида

Шу кунларда Республика байналмилал маданият маркази ташкил топганининг 25 йиллигини кенг нишонлашга тайёрлик кўрилмоқда. Байрам тадбирлари доирасида турли миллат қадриятлари, мамлакатимизнинг миллатларо тотувлик таъриби, халқимизнинг ўзаро аҳил ва ҳамжиҳат ҳаёти ифода этилган халқ амалий санъати, тасвирий ва фотоасарлар кўргазмаси, "Ўзбекистон мустақиллиги — миллатларо муносабатлар ривожига янги давр" мавзусида илмий-амалий анжуман, "Ўзбекистон — умумий уйимиз" фестивали қўлиблари иштирокида гала-концерт ўтказилиши режалаштирилган. "Ўзбекистонда бағрикенглик маданияти" ("Культура толерантности в Узбекистане") ҳужжатли фильми тайёрланмоқда, "Ўзбекистон — тинчлик ва тотувлик мамлақати" китоби, "Ягона оилада" ("В семье единой") журналининг махсус сони нашр қилинмоқда.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2017 йил 6 февраль кунин соат 11.00да бошлангич баҳоси ошиб бориши тартибиде ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақридан чиқарилмоқда: 1. Миробод туман СИБ томонидан хатланган 1.1."Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган: ЖИБ Тошкент шаҳри, Чилонзор туман судининг 19.02.2016 йилдаги 1-882/2015-сонли ижро варақасига асосан 1998 йилда и/ч, д/р 01X845AA, "Дамас" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 17 242 991 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Яққасарой туман судининг 05.11.2016 йилдаги 1-463/16-сонли ижро варақасига асосан 1998 йилда и/ч, д/р 01Q744CA, "ГБА-СПГ-Леганзе" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 21 424 295 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Миробод туман судининг 18.05.2014 йилдаги 1-366/2014-сонли ижро варақасига асосан 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақамия 30/090ТТЕ, "Нексия" русумли автомашина, бошлангич баҳоси 15 383 305 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Олмазор туман судининг 23.12.2014 йилдаги 1-801/14-сонли ижро варақасига асосан 2007 йилда и/ч, д/р 01Z093JA, "Матиз Бест" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 14 959 625 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Чилонзор туман судининг 24.01.2014 йилдаги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан 1992 йилда и/ч, д/р 01X726NA, "Тикко" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 7 421 044 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Юнусобод туман судининг 10.10.2013 йилдаги 654/13-сонли ижро варақасига асосан 1977 йилда и/ч, д/р 01H235HA, "BA3-2106" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 3 260 959 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Чилонзор туман судининг 06.08.2014 йилдаги 1-528/2014-сонли ижро варақасига асосан 1997 йилда и/ч, д/р 01R586MA, "Нексия" р-ли ав-на бошлангич баҳоси 16 503 654 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Яққасарой туман судининг 04.03.2015 йилдаги 1-27/16-сонли ижро варақасига асосан 2011 йилда и/ч, д/р 01F941PA, "Спарк" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 24 158 700 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Юнусобод туман судининг 21.06.2010 йилдаги 517F10-сонли ижро варақасига асосан 1992 йилда и/ч, д/р 30C7832, "Москвич-21412" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 1 920 605 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туман судининг 15.03.2016 йилдаги 1-131/2016-сонли ижро варақасига асосан 1990 йилда и/ч, д/р 01T679NA, "BA3-21061" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 9 610 319 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Миробод туман судининг 18.03.2016 йилдаги 1-329/2015-сонли ижро варақасига асосан 1976 йилда и/ч, д/р 01O646KA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 4 230 363 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳри, Чилонзор туман судининг 25.08.2015 йилдаги 1-662/2015-сонли ижро варақасига асосан 1978 йилда и/ч, д/р 01R840BA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 4 062 150 сўм; 1.2. ЖИБ Тошкент шаҳри, Юнусобод туман судининг 20.01.2015 йилдаги 1-06-15-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар ИИБ "Ахборот маркази" жарима майдончасида сақланаётган 2011 йилда и/ч, д/р 01H992KA, "Матиз МХ б/к ГБО СПГ" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 21 470 228 сўм; 1.3. ЖИБ Тошкент вилоят судининг 28.02.2014 йилдаги 2-249/14-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент вилояти бошқармасида сақланаётган 1987 йилда и/ч, д/р 11D205, "ЯВА-350" р-ли мотонаклиёт, бошлангич баҳоси 1 304 921 сўм; 1.4. ФИБ Учтепа туманларо судининг 04.03.2016 йилдаги 1-2322/16-сонли ижро варақасига асосан "Зафар-И" боҳжона омборида сақланаётган бошлангич баҳоси 194 515 350 сўм бўлган 1997 йилда и/ч, д/р WRA 22019, "VOLVO FH-12" р-ли юк ав-на; 1.5. Ўзбекистон Республикаси Харбий судининг 05.11.2015 йилдаги 30-сонли ижро варақасига асосан МХХ Тошкент шаҳар бошқармасида сақланаётган: 1991 йилда и/ч, д/р 01/3227AA, "CHEREAU" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган; 1991 йилда и/ч, д/р 01/4519AA, "SHMITZ" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 61 200 000 сўм бўлган; 1998 йилда и/ч, д/р 01/3126AA, "CHEREAU SKO-24" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 68 500 000 сўм; 1998 йилда и/ч, д/р 01X868LA, "MAN-19463 FLT" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 115 000 000 сўм; 1996 йилда и/ч, д/р 01X820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 112 200 000 сўм; 2005 йилда и/ч, д/р 01O820LA, "Mercedec-Benz Actiroc-1844" р-ли юк ав-на, бошлангич баҳоси 165 000 000 сўм; 2. Юнусобод туман СИБ томонидан хатланган: ЖИБ Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 13.07.2016 йилдаги 1-516/16-сонли ижро варақасига асосан Юнусобод туман, 8-автокорхонага қарашли жарима майдончасида сақланаётган 1976 йилда и/ч, д/р 01E034LA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 849 000 сўм; ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 29.02.2008 йилдаги ЖСХ-1-75/08-сонли ижро варақасига асосан "Space Arsenal Service" МЧЖда сақланаётган 1996 йилда и/ч, д/р 5660EA7, "OPEL OMEGA" р-ли ав-на, бошлангич баҳоси 22 409 682 сўм; Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси қўлиб савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кун ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошлангичдан 1 (бир) кун олдин соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўричилиги келишув"ни имзолангандан сўнг мулк бошлангич баҳосининг 20 (ийгизма) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "Infobank" банкдаги МФО: 01041, ИНН: 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топиришлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнасса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдорда тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел: (95) 193-74-96.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Инсон қайси соҳада меҳнат қилишидан қатъи назар, у ҳар доим ўз миллий маданиятидан баҳраманд бўлиб, бор кучини инсонларга хизмат қилишга қаратиши керак.

Бугун шу заминда яшаётган ҳар бир миллат вакили ўзбекистонлик эканлигидан фخرланиши керак. Ўзбекистон диёри тинч, осмонни мусаффо. Бундай замин аҳолисининг бахтли бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Миллатидан, хизмат қилаётган соҳасидан қатъи назар бор имконияти, кучи, истеъдодини аямаслиги керак. Барчамизнинг кинди қонимиз шу ерга тўкилган экан, шу диёрда тинчлик ва дўстлик муносабатларини асраб-авайлаш, юртимизнинг иқтисодий ривожланишига ҳисса қўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Республика Озарбойжон миллий-маданий маркази ҳам мана шу гоьларни ўзига дастуруламал деб билади. Миллий маданият марказимиз 15 йилдан зиёд Республикаимизнинг барча вилоятларида: Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ўз филиаллари орқали фаолият кўрсатиб келмоқда. Республикаимизда 40 мингдан зиёд озарбойжонликлар яшайди. Улар барча соҳаларда меҳнат қилаётган. Республикамиз ўзининг мустақиллигига эришгандан буён 35 га яқин озарбойжонликлар ҳам ўз мутахассисликлари бўйича Давлат мукофотлари билан тақдирланган. Миллатимиз ҳақида гапирар эканман фахр билан айтишим мумкинки озарбойжон халқи ўзбек халқи каби тинчликсевар, халқпарвар, бошқа миллат ва элат вакилларига ҳурмат кўрсатадиган истеъдодли халқдир. Шунинг учун ҳам шу юрда яшаётган, оила қураётган, ишлаётган, билим олаётган барча миллатлар, шу жумладан озарбойжонликлар маданият, санъат, илм, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ёки бошқа соҳалар бўладини ўз олдида қўйган мақсадларига эришиб келмоқдалар. Бунинг энг асосий сабабларидан бири давлатимизнинг ҳамма учун тенг ва кенг имкониятлар яратиб берганидир. Республи-

ликаимизнинг барча соҳаларида татбиқ этилаётган ислохотлар, янги ва замонавий инфраструктура тизимлари, кенг автомобиль йўлларнинг барпо этилиши ва қўллаб бошқа соҳаларда қилинаётган ишлар нафақат бугунги кунга, балки келажак учун ҳам хизмат қилади. Мен ўйлайманки юртимизда тинчлик, барқарорлик, тўкинлик доимо бўлиши учун миллатидан қатъи назар барча сийдиқидан хизмат қилиши керак. Ўз зиммимиздаги вазифаларни вақтида, масъулият, талабчанлик билан бажарсак заминимизда ҳукм сураётган эл тинчлиги, дўстлик ва биродарлик муносабатлари биларини ҳеч қачон тарк этмайди. 2016 йилнинг декабрь ойида юртимизда муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови бўлиб ўтди. Биз ҳам ўзимизнинг фуқаролик ҳуқуқларимиздан фойдаланиб, сайловда фаол иштирок этиб, ўзимиз муносиб деб билган номзодга овоз бердик. Бу йил Республика байналмилал маданият марказининг ташкил топганига чорак аср бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, фаолиятимизни доимо қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатиб келаётган Республика байналмилал маданият марказига миinntдорчилигимизни билдирмоқчиман. Шу билан бирга Республикаимизнинг Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилояти ва пойтахтимизда иш олиб бораётган марказларимизнинг филиаллари аъзолари ва раҳбарларига ташаккур билдираман. Ўзбекистонимизнинг ривожланиши, гуллаб-яшнаши, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти учун мана шу заминда яшаётган озарбойжонликлар ҳам барча миллатлар қаторида ўз ҳиссаларини қўшишларини фахр билан билдирадилар. Фирдуси ГУСЕЙНОВ, Республика Озарбойжон миллий-маданият маркази раиси ўринбосари

БИЗ — БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ўзбекистон она Ватанимиз, тинчлик-тотувлик ҳукм сурган қутлуғ маскан. Ушбу гушада турли миллат вакилларининг ўзаро ҳамжиҳат, ҳамкорликда яшаш, ўз тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш, ривожлантириши ва келгуси авлодларга етказиши учун барча шароитлар яратилган. Мен ҳам шу юрт фарзандиман.

Мақтабни тамомага, Низомий номидаги Педагогика институтини тарих факультетида тахсил олдим. Турли соҳаларда фаолият олиб бордим. Ўзбекистон — она Ватаним, бутун ҳаётим, эришган муваффақиятларим шу муқаддас юрт билан боғлиқ. Камтарона меҳнатларим муносиб баҳолалиб, 1999 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирландим. Бу юксак эътибор мени ҳар дақиқа ёш авлод келажак учун масъул эканлигимни ёдга солиб, бу мақсад йўлида куч-ғайратимни аямасликка ундайди. Шу ерда оила қурдим, икки қиз, уч ўғилни оқ ювиб, оқ тарари. Фарзанд ва набираларим олий ўқув юртларида таълим олиб, турли соҳаларда фаолият юритишмоқда. 19 набиранинг сеvimли бобосиман. Буларнинг бари юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришига, миллатларо тотувликни мустаҳкамлашга катта шароит ва имкониятлар яратилгани боис деб биламан. Бугунги кунда марказнинг вазифаси анча кенг ва хилма-хилдир. Энг асосий йўналишлари сифатида қозоқ тилини ўрганиш, ёшларнинг шу тилда олий ва касб-хунар таълими олишини ривожлантиришига кўмаклашиш учун олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилиш, қозоқ аҳолисининг маданий эҳтиёжларини қондириш, ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш кабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Республикаимизда бир юз ўттиздан ортиқ турли миллат вакиллари урф-одатлари, тили ва аъёналарини асраб-авайлаш, келгуси авлодларга етказишлари учун кенг имкониятлар яратилган. Бу юртимизда мустақиллик йилларида тинчлик-тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борисида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг меваси эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон — турли миллат вакиллари бир оиладек яшаётган, инсонлар эъозланиб, меҳнат қилган улуғландиган юрт. Буни шу юрт фарзандиман, деб нафас олаётган ҳар бир инсон ҳис қилади. Турсумат ХОЛБОВЕВ, Тошкент шаҳар қозоқ миллий-маданий маркази раиси, "Дўстлик" ордени соҳиб

Гувоҳнома № 005148

Зангиота тиббиёт коллежига фармация ва ҳамширалик иши йўналишига иккинчи мутахассисликка тўлов шартномаси асосида ўқишга қабул қилиш бошланди. Мурожаат учун манзил: Зангиота тумани, Туркистон ҚФЙ, Шифокорлар кўчаси, 1-уй. Телефон: 228-51-54, 228-51-56.

Спорт янгиликлари



ХИТОЙДА НАЗОРАТ УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси Бирлашган Араб Амирликлари йигини доирасида олти нazorat учрашуви ўтказишни режалаштирган эди.

"Калдиргочлар"нинг БААдаги илк ўртоқлик ўйини "Ал Шааб"га қарши ўтказилди. Унда Сергей Лушчан шогирдлари 2:1 ҳисобида зафар кучди. Кейинчалик эса "Бунёдкор" ўзининг иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказди. "Калдиргочлар"га ушбу беллашувда Гана миллий терма жамоаси рақиблик қилди. Қизиқарли тарз-

да кечган баҳс эса 0:2 ҳисобида африкалик юлдузларнинг галабаси билан якунига етди.

Кунни кеча якунига етган "Бунёдкор" – "Хенан Жианье" (Хитой) ўртоқлик ўйинида жамоалар дуранга имзо чекишти. Пойтахтликларнинг ягона голига Шаҳзодбек Нурматов муаллифлик қилди.

Ўзбекистон терма жамоаси сардори Одил Аҳмедов ўзининг янги жамоаси "Шанхай СИПГ" билан Доҳадаги мавсум олди йигинида иштирок этмоқда.

ҲАМЮРТИМИЗ "БАВАРИЯ" БИЛАН МАШҒУЛОТДА ҚАТНАШДИ

Ҳамюртимиз ўзининг шанхайликлар таркибидagi дастлабки учрашувини Саудия Арабистони клубига қарши ўтказди. Кунни кеча бўлиб ўтган тайергарлик доирасида

"Шанхай СИПГ" жамоаси Германия Бундеслигаси иштирокчиси, дунёнинг энг машҳур клубларидан бири — Мюнхеннинг "Бавария" клуби билан биргаликда машғул олиб борди.

Таъкидлаш жоиз, Карло Анчелотти бошчилигидаги клубнинг юлдуз футболчилари дастлаб, тренажёр залда, кейинчалик эса очик майдонда машғул ўтказишти.

Халқаро дзюдо федерацияси ҳар гал олимпия ўйинларидан кейин дзюдонинг қонун-қоидаларига янги ўзгаришлар киритиши одат тусига айланиб бормоқда.

ДЗЮДО ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Озарбойжонда ташкил этилган йигилиш давомида навбатдаги 4 йиллик учун дзюдонинг қоидалари тасдиқланди. Айни дамда эътиборингизга киритилган катта ўзгаришлар ҳақида маълумот бериб ўтамыз.

Баҳо, "юко" бекор қилинди. Эндиликда бажарилган усуллар учун фақатгина "ваза-ари" ёки "иппон" баҳолари берилиши мумкин. Иккинчидан, авваллари иккита "ваза-ари" бир "иппон"га тенг эди. Энди эса дзюдочи нечта "ваза-ари" олса ҳам, "иппон"га тенг бўла олмайди. Учунчидан, яқин йиллардаги қоидага кўра,

баҳс давомида 4 та "шидо" олган дзюдочи "хансокумакэ", яъни қизил карточка берилиб, техник мағлубият ёзилар эди. Янги қоидага мувофиқ, баҳс давомида 3 та "шидо" олган дзюдочи учун беллашув муддатидан аввал якунланади. Дзюдо мухлислари учун энг эътиборли жиҳатлари мана шунлардан иборат.

ЁШ ТЕННИСЧИ МАҲОРАТ КЎРСАТДИ

Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Дабӣ шаҳрида теннис бўйича қизлар ўртасидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Юлия Ким муваффақиятли иштирок этмоқда.

Халқаро теннис федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақанинг яққалик баҳсларида ўзбекистонлик ёш ракетка устаси Юлия Ким венгриялик Фанни Кежсек билан рақобатлашти. Кескин ва муросасиз ўтган беллашувда ҳамюртимиз 6:4, 5:7, 6:3

ҳисобида зафар кучди. Юлия Ким чорак финалга чиқиш учун ўтказилган кейинги баҳсда яна бир истеъдодли теннисчи, германиялик Луиза Мейер Оф Дер Хейде билан рақобатлашти. Ботир ХҲҲАЕВ

Кўргазмалар

КУТУБХОНА МУЗЕЙИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг музейида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топган куннинг 25 йиллигига бағишланган кутубхонанинг Кўлэмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётган, мазкур соҳага доир манбалардан ташкил топган "Қадимий ҳарбий соҳа китоблари" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

нографиялар намойиш қилинмоқда. Экспозицияда I-XVII асрларда яшаган машҳур Фарб давлатлари саркардалари ҳамда ҳарбий соҳа бўйича назариётчи олимларнинг асарларини алоҳида ўрин олган.

Тақдим этилган манбаларда ҳарбий инженерлик фани бўйича турли географик ҳудудларда муҳофаа истехомларини қуриш, мустаҳкамлаш, уларнинг назарий ва амалий томонлари, ҳарбийлар учун чодирлар ўрнатиш, дала лагерларини ташкил қилиш, ҳарбий тактикалар, тарихий жараёнлар ва бошқа қатор масалалар ўз аксини топган.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

"Офат рўй бермай туриб унинг олдини олган афзал" дейдилар. Пойтахтимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларни рўй бериши эҳтимоли бўлган турли кўнглиги офатлардан муҳофаза қилиш, профилактик ишларни кучайтириш борасида бир қанча хайрли тадбирлар амалга ошириляётгани боис нохуш ҳодисалар камайишига эришилмоқда.

Шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан НОХУШ ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНМОҚДА

Бу борада Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Сергели тумани ҳудудида жойлашган "Макро" супермаркети, "Ўзгариш" маҳалласи, Ўзбекистон сузиш федерацияси, Тошкент давлат юридик университети талабалар турар жойи, шунингдек, Шайхонтохур туманидаги Ибн Сино, Мирзо Улуғбек туманидаги "Баҳор", "Катта Корасув", Яшнобод туманидаги Чўлпон, Миробод туманидаги "Минг ўрик", Фуркат, Олмазор туманидаги "Чуқурсой", Яққасарой туманидаги "Бошлиқ", "Рақатбоши", Юнусобод туманидаги "Отчопар – 2", Уста Ширин, Бектемир туманидаги "Олтин топган", Учтепа туманидаги "Дегрез", Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий маҳаллаларида "Маҳалладаги доимий иш билан банд бўлмаган аҳолини фавкулда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш", "Табиий ва ис газидан ҳамда овқатдан захарланишларнинг олдини олиш", "Зилзила содир бўлганда аҳолининг ҳаракати" мавзуларида суҳбатлар ўтказилди.

Ўтказилган суҳбатларда маҳалла фаоллари ва маҳалладаги доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли иштирок этди, иштирокчиларга эслатма ва буклетлар тарқатилди.

Азамат СУЮНОВ, журналист

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 20 февраль кунни соат 11.00 да бўлиб ўтказилган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яшнобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 25.05.2015 йилдаги №10-1501/6357-сонли ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй манзилда жойлашган умумий майдони 449 кв.м., бошланғич баҳоси: 231 476 000 сўм бўлган бино кўйилмоқда.

2017 йил 6 февраль кунни соат 11.00 да бўлиб ўтказилган аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 24.09.2016 йилдаги ижро варақасига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Чилонзор

тумани, Гулистон мавзеси, 55-уй, 129-хонадон манзилида умумий майдони 66,23 кв.м., яшаш майдони 42,16 кв.м., бошланғич баҳоси: 231 476 000 сўм бўлган турар жой такроран кўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб таънишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кунни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион

савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган зақалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 5049 3605 0001, МФО: 00996, СТИР: 207 125 885. Аукцион голиби сотиб олган мулк кийиматини 5 банк кунни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz. Лицензия: RR-0052.

САЙЁҲЛАР ЯНАДА КЎПАЯДИ

Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонасида туризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Бангладеш Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва муҳтор элчиси Мосуд Маннан Бангладеш билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик турли жабҳаларда, жумладан, сайёҳлик соҳасида ҳам ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Сайёҳлик соҳаси ўзаро алоқаларнинг муҳим йўналишларидандир. Мамлакатимизга ҳар йили кўплаб бангладешликлар ташриф буюради. Тошкентда ўтадиган сайёҳлик ярмаркаларида Бангладеш фирма ва компаниялари фаол қатнашиб келади. Ушбу мамлакат ижодкорлари юртимизда ташкил этиляётган тадбирлар, хусусан, "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивали, халқаро кўргазмалар, кўрик-танловлар, биеналеларнинг доимий иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон ва Бангладеш ҳамкорлиги савдо, иқтисодиёт, саноат, маданият каби кўплаб соҳаларда жадал ривожланиётганини алоҳида таъкидлашни истардим, – деди Мосуд Маннан. – Мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг бизнес, экотуризм, тиббий, тарихий ва маданий каби йўналишларини ривожлантиришнинг имкониятлари катта. Тошкент ва Дакка ўртасида ҳаво қатновини йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу икки томонлама сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилади. Ўзбекистон билан мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш истагидамиз.

Тадбирда Ўзбекистон билан Бангладеш ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди. Бангладешнинг табиий, тарихий ва маданий мероси, диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилувчи фильм намойиш этилди, сайёҳлик соҳасида амалга ошириляётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Н.МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ПОЙТАХТИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан барча коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари қатори, "Тошкентшаҳаргаз" филиали томонидан ҳам табиий газ истеъмолчилари билан яқиндан учрашувлар ташкил қилиш, газ етказиб бериш борасидаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш режалаштирилган. Шу сабабли, 2017 йил январь ойи бошидан Тошкент шаҳри табиий газ истеъмолчилари хонадонларида хатлов ишлари олиб борилмоқда.

Сиздан ушбу хатлов жараёнида фаол қатнашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда биргаликда ҳаракат қилишингизни сўраймиз.

"ТОШКЕНТШАҲАРГАЗ" ФИЛИАЛИ МАЪМУРИЯТИ

Тошкент Давлат стоматология институти жамоаси физиология ва патология кафедраси доирасида Постумия Анваровна Шарипованинг фарзанди

Санджар ХОДИЕВИН

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 19 январь кунни ҳаво ўзгариб туради, ёлғизчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4 даража совуқ, кундузи — 5-7 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 январда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

